

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**“ASIA ALLIANCE BANK” ХОАТБ**  
**Кенгаши қарори билан**  
**“26/1”-сонли Баённома**  
**“06” июль 2011 й.**

**“ASIA ALLIANCE BANK” Хусусий очик акциядорлик-тижорат банки (ХОАТБ)**  
**таваккалчиликлари устидан назорат кўмитаси тўғрисида**  
**НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сон Қарорига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 07 майдаги 14/2-сон Қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 25 майда 2229-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2000 йил 26 июндаги 472-сон Қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 05 июлда 943-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомга, “ASIA ALLIANCE BANK” ХОАТБ (кейинги ўринларда – “Банк”) Устави, Корпоратив кодекси ва бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **I. Умумий қоидалар**

Мазкур Низом Банкнинг ички ҳужжати ҳисобланади ва таваккалчиликлар устидан назорат кўмитаси (кейинги ўринларда – “Кўмита”) фаолиятини қатъий белгилайди, унинг ҳуқуқий мақомини, функцияларини, ваколатларини, ташкил топиш ва фаолият юритиш тартибини белгилайди.

Кўмита Банк акциядорлари, мижозлари манфаатларини ҳимоя қилиш, Банк таваккалчиликларини пасайтириш ва олдини олиш ҳамда Банк фаолияти барқарорлигини таъминлаш учун Банк Кенгашининг қарори билан ташкил қилинади.

Кўмита Банк Кенгашининг доимий консультатив-кенгаш органи ҳисобланади.

Кўмита ўз фаолиятида бевосита Банк Кенгашига ҳисобот беради ва мазкур Низомга мувофиқ берилган ваколатлари доирасида фаолият юритади.

Кўмита иши унинг аъзолари томонидан Банкда Кўмита ваколатлари доирасида барча соҳадаги масалалар бўйича ишлар ҳолатини ўрганиш, Кўмита йиғилишларини ўтказиш ва тааллуқли қарорлар қабул қилиш орқали амалга оширилади.

## **II. Кўмитанинг мақсад ва вазифалари**

Кўмитани ташкил қилишдан мақсад Банк Устави, Корпоратив кодекси ва бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ, Банк таваккалчиликлари бошқарувининг самарали тизимини татбиқ қилиш ва назорат функцияларини амалга ошириш, Банк таваккалчиликларининг олдини олиш ва Банкдаги ишлар аҳволи тўғрисида максимал

даражада хабардорликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалаларида Банк Кенгашига кўмаклашишдан иборат.

Банк таваккалчиликларини жоиз (бошқариладиган) даражада сақлаган ҳолда, Банк ривожланишининг барча имкониятларидан ўз вақтида ва изчил фойдаланиш учун Кўмигага қуйидаги вазифалар юкланади:

- Банкда таваккалчиликларни тегишлича бошқариш учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш;

- эҳтимолий зарарлар манбалари ёки зарарлар келтириши мумкин бўлган вазиятларни прогнозлаш;

- Банкнинг барча таркибий бўлинмалари бўйича таваккалчиликлар назоратини ўзаро мувофиқлаштириш ва баҳолаш, таваккалчиликларни бошқариш тартиботлари самарадорлигини мониторинг қилиш;

- Банк таваккалчиликларини минималлаштириш бўйича Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилашда иштирок қилиш;

- таваккалчиликлар юзага келишининг олдини олиш (огоҳлантириш) ёки уларни минималлаштириш.

### **III. Кўмитанинг ваколатлари**

Кўмигага ўз фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ваколатлар берилади:

- таваккалчиликларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни Банк Кенгаши томонидан кўриб чиқиши учун киритиш, барча амалга ошириладиган банк операциялари ва битимлари бўйича таваккалчиликларни чеклаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

- Банк, унинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан таваккалчиликлар бошқаруви ҳолати устидан назорат қилиш, улар томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирлар ва ҳаракатларнинг Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган сиёсатга мувофиқлигини баҳолаш;

- Банкнинг молиявий аҳволига таваккалчиликлар, шу жумладан кредит, валюта, фоиз, бозор, операцион ва Банк фаолиятида юзага келадиган бошқа таваккалчиликлар таъсири, Банк томонидан ушбу таваккалчиликларнинг ҳисобга кўйилиши ҳамда уларнинг олдини олиш ва минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши устидан кузатиш;

- Банкнинг бошқарув органлари ва функционал хизматлари томонидан Банк Кенгашига тақдим қилинадиган ахборотнинг шубҳасиз тўғрилигини баҳолаш;

- йирик битимлар ва манфаатдорлик билан битимларни тасдиқлаш бўйича таклифларни ўрганиш, улар Банкнинг бошқарув органлари томонидан тасдиқланишида Банк Кенгашига тавсиялар киритиш;

- ташқи аудиторлар ва ички назорат хизматининг таваккалчиликларни бошқариш ҳамда Банк раҳбарлари ва мансабдор шахслари масъулиятини ошириш бўйича тавсияларини кўриб чиқиш;

- таваккалчиликни баҳолаш ва ҳимоя тизимини жорий қилиш мақсадида Банк ижроия органлари томонидан ишлаб чиқилган ривожланиш стратегиялари ва режаларини таҳлил қилиш;

- Банкнинг ички аудит хизмати ва бошқа функционал хизматлари билан биргаликда жиддий молиявий ва бошқа таваккалчиликлар, шу жумладан кредит, бозор, операцион, стратегик таваккалчиликларни, шунингдек ликвидлик, амалий обрў-эътибор йўқотилиши таваккалчиликларини, ҳуқуқий ва бошқа турдаги таваккалчиликларни кўриб чиқиш;

- Банк фаолиятидаги янги хизмат турларини ўзлаштириш билан боғлиқ юз бераётган ўзгаришлар, бозор сегментлари ва бошқа ташқи омилларнинг банк таваккалчилиги умумий манзарасига таъсирини таҳлил қилиш;

- таваккалчиликлар лимитлари ошириб юборилган тақдирда, Банк операциялари ҳажмлари, Банк операциялари ва кўрилатган чора-тадбирлар бўйича таваккалчиликлар лимитлари бўйича самарали назоратни амалга ошириш;

- активлар ва пасивлар, лимитлар ва ликвидликни бошқариш сиёсати бўйича тавсияларни тайёрлаш;

- ташқи аудиторнинг таваккалчиликларни бошқариш бўйича тавсияларини ишлаб чиқиш ва реализация қилиш, Банкда ички назорат хизмати ва ташқи аудиторлар томонидан аниқланган муаммоларнинг ҳал қилиниши самарадорлиги устидан назоратни амалга ошириш;

- Банк Кенгаши томонидан тасдиқланадиган таваккалчиликларни бошқариш соҳасидаги ваколатларнинг тақсимланиш даражалари бўйича таклифларни кўриб чиқиш.

#### **IV. Қўмита аъзоларининг ҳуқуқлари ва вазифалари**

Қўмита ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мазкур Низомга ва Қўмитанинг иш режасига мувофиқ ўз ваколатлари доирасидаги масалаларни ўрганиш ва кўриб чиқиш;

- Банк Кенгаши томонидан кўриб чиқилиш учун таклифларни киритиш;

- Банкнинг стратегик манфаатларига дахлдор масалалар бўйича, шунингдек Банк таваккалчиликларининг олдини олиш зарур бўлган ва Банк Кенгаши томонидан қарор қабул қилинишини талаб этадиган ҳолатларда Банк Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш;

- Банк Кенгашининг ўз фаолияти масалалари бўйича қарорлари ижросини назорат қилиш;

- Банкнинг бошқарув органлари, Бошқарув аъзолари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва Банк ходимларидан Банк фаолияти билан боғлиқ ва Қўмита ваколатларига тегишли ҳужжатлар, ҳисоботлар, изоҳлар ва бошқа ҳужжатларни олиш;

- Бошқарув Раиси, аъзолари, Банкнинг мансабдор шахслари ва мутахассисларини кўриб чиқилаётган масалаларни тайёрлашга жалб қилиш ва уларни Қўмита йиғилишига таклиф қилиш;

- зарур ҳолларда, ўз ишига ташқи экспертлар ва консултантларни жалб қилиш.

Қўмита қуйидаги мажбуриятларга эга:

- қонун ҳужжатлари, мазкур Низом, Банк Устави, Корпоратив кодекси ва бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ўзига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш;

- ўз фаолиятини Банк, унинг акциядорлари, мижозлари ва ҳамкорлари манфаатларида амалга ошириш;

- таваккалчиликнинг оптималлиги ва мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклифларни кўриб чиқиш, Банк Кенгаши учун таваккалчиликларни минималлаштириш ва қўлланиладиган таваккалчиликлардан олинмайдиган фойдалар ўртасида мувозанатни таъминловчи тавсияларни ишлаб чиқиш;

- Банк Кенгашига тақдим қилинадиган менежмент ҳисоботларини текшириш, Банк фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларни аниқлаш ва ушбу таваккалчиликлар оқибатларини менежмент жавоблари ҳамда Қўмитанинг келгуси ҳисоботлари ва тавсиялари билан солиштириш;

- таваккалчиликларнинг белгиланган лимитлари жиддий бузилишларини кўриб чиқиш ҳамда улар аниқланган ва баҳолангандан кейинги менежмент ҳаракатлари самарадорлигини белгилаш;

- Банк Кенгаши томонидан таваккалчиликларни бошқариш тизимига киритилган ўзгартишлар қўлланилиши ва Банк томонидан таваккалчиликлар қабул қилиниши бўйича бошқарув қарорлари маданиятининг шакллантирилиши устидан назорат қилиш;

- Банк Кенгаши олдида ўз фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот бериш.

Қўмита аъзолари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Қўмита ишида қатнашиш ва Қўмита ваколатлари доирасидаги масалаларни кўриб чиқишда унинг барча йиғилишларида иштирок қилиш;
- Қўмита йиғилишига тақдим қилинадиган ҳужжатларни ўрганиш ва кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича ўз нуқтаи назарини шакллантириш;
- у ёхуд бу қарор қабул қилинишида шахсий манфаатдорлиги мавжудлиги тўғрисида Қўмитани зудлик билан хабардор қилиш;
- Қўмитани обрўсизлантириши ёки унинг аъзолари касбий малакаларини шубҳа остига қўйиши мумкин бўлган ҳаракатларга йўл қўймаслик;
- Банк Кенгашини манфаатлар тўқнашуви юзага келганлиги ёки Қўмита томонидан қабул қилинадиган қарорлар билан боғлиқ манфаатдорлик тўғрисида хабардор қилиш;
- банк, тижорат ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирлар сақланишини таъминлаш, шунингдек Қўмитадаги иши билан боғлиқ унга маълум бўлган махфий маълумотларни ошкор қилмаслик;
- Қўмита Раисининг топшириқларини бажариш.

## **V. Қўмита таркибини шакллантириш тартиби ва унинг фаолиятига ташкилий раҳбарлик**

Қўмита таркиби Банк Кенгаши аъзолари орасидан тасдиқланади ва беш нафар аъзодан кам бўлмаслиги керак.

Қўмита аъзоларини тасдиқлашда уларнинг касбий тайёргарликлари ва Қўмита фаолияти хусусиятларини билишлари эътиборга олинishi керак. Бунда корпоратив бошқарув малакаларига, банк соҳасида таваккалчиликларни бошқариш тамойилларига эга, таваккалчиликларни бошқариш тизимлари мослиги ва самарадорлигини баҳолаш имконини берадиган тажрибага эга номзодларга устунлик берилиши керак.

Қўмита таркибига Банк Бошқаруви аъзолари ёки Банкнинг бошқа раҳбарлари киритилиши мумкин эмас.

Банк Кенгаши Қўмита аъзоларига юкланган вазифалар тегишлича бажарилмаган тақдирда, уларнинг ваколатларини бекор қилиш, шунингдек Қўмитанинг янги таркибини тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

Қўмита таркибидан чиққан аъзонинг ўрнига Қўмитанинг янги аъзоси сайланган ёки Қўмитанинг сон таркиби оширилган тақдирда ҳам Банк Кенгаши томонидан Қўмита таркибининг ўзгартирилиши амалга оширилиши мумкин.

Қўмита Раиси Банк Кенгаши йиғилишида Қўмита аъзолари орасидан тасдиқланади.

Қўмита Раиси Қўмита ваколатлари муддатида қуйидагиларни амалга оширади:

- Қўмита ишини ташкиллаштиради, йиғилишни чақиради ва уларда раислик қилади;
- йиғилишлар кун тартибини тасдиқлайди, Қўмита йиғилишларида масалалар муҳокамасини, шунингдек йиғилишда қатнашишга таклиф қилинган шахсларнинг фикрлари тинглашини ташкиллаштиради;

- Қўмита иши учун зарур аниқ ахборотни олиш мақсадида Бошқарув Раиси ва аъзолари билан доимий алоқалар ўрнатади, Банк Кенгаши билан самарали ўзаро муносабатларни таъминлайди;

- Қўмита аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, чора-тадбирлар режалаштирилишини ва режалаштирилган чора-тадбирлар бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

- Қўмита йиғилишлари баённомаларини, қабул қилинган тавсиялар, сўровномалар ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

- Банкнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда бошқа шахслар билан муносабатларда Қўмита вакили сифатида иштирок қилади;

- Банк Кенгаши олдида Қўмита фаолияти тўғрисида ҳисобот бериш;

- мазкур Низом, Банк Устави, Корпоратив кодекси ва бошқа ички ҳужжатлари билан назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Банк таваккалчиликларни бошқариш бошқармаси бошлиғи лавозим бўйича Қўмита Котиби ҳисобланади.

Қўмита Котиби Қўмита фаолияти таъминланишини амалга оширади ва қуйидагилар учун жавобгар бўлади:

- Қўмита йиғилишларига ҳужжатлар ва материалларни тайёрлаш;
- Қўмита аъзолари ва Қўмита йиғилишида қатнашиш учун таклиф қилинган шахсларни бўлажак йиғилиш ва кун тартиби тўғрисида хабардор қилиш;
- Қўмита йиғилиши баённомаларини юритиш, қабул қилинган қарорларни манфаатдор шахсларгача етказиш ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш;
- Банкда қабул қилинган ҳужжатларни сақлаш тартибига мувофиқ Қўмита йиғилиши баённомаларини ва иш ҳужжатларини сақлаш, зарур ҳолларда, манфаатдор шахсларнинг талаблари бўйича тааллуқли баённомалардан кўчирмалар тайёрлайди;
- мазкур Низомга мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

## **VI. Қўмита йиғилиши**

Қўмита йиғилиши тасдиқланган режа бўйича (навбатдаги йиғилиш), шунингдек Қўмита Раиси ёки Банк Кенгашининг ташаббуси бўйича (навбатдан ташқари йиғилиш), бироқ йил чораги мобайнида энг камида бир марта ўтказилади.

Навбатдаги йиғилишни чақириш, йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойи, кун тартиби, йиғилишда қатнашиш учун таклиф қилинган шахслар рўйхати тўғрисида қарор Қўмита Раиси томонидан қабул қилинади.

Қўмита аъзолари ҳисобланмаган Банк Кенгашининг аъзолари, шунингдек Банк Бошқаруви аъзолари Қўмита Раисига Қўмита ваколоти доирасидаги масаланинг кўриб чиқишини таклиф қилишлари мумкин. Таваккалчилик омилини кечиктирмай баҳолаш алоҳида муҳим ёки зарур ҳолларда, уни кўриб чиқиш учун Қўмитанинг махсус навбатдан ташқари йиғилиши чақирилади.

Қўмита йиғилишида аъзоларининг энг камида 2/3 қисми иштирок қилса, Қўмита йиғилиши қонуний ҳуқуққа эга ҳисобланади, бунда Қўмита Раиси иштирок қилиши шарт. Қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Қўмита қарори баённома билан расмийлаштирилади, ушбу баённома Қўмита аъзолари томонидан имзоланади. Қўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг келган тақдирда, Раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Қўмитанинг қарорига розилик билдирмаган Қўмита аъзоси ўзининг алоҳида фикрини қайд этиб қўйиш ҳуқуқига эга, бу мажбурий тартибда йиғилиш баённомасига илова қилинади ва Банк Кенгаши эътиборига ҳавола этилади.

Йиғилишда қатнашмаган Қўмита аъзосининг шахсан имзоланган ва йиғилиш ўтказилиши бошлангунга қадар Қўмита котибига тақдим қилинган ёзма фикри мавжуд бўлган ҳолатда, бу қворумни аниқлашда ва кўриб чиқиладиган масалалар бўйича овоз бериш натижаларини белгилашда ҳисобга олинади. Қўмита аъзосининг ёзма фикри кун тартибининг барча масалалари бўйича ҳам, алоҳида масалалари бўйича ҳам овоз беришни ўз ичига олиши мумкин.

Қўмита йиғилиши баённомасида қуйидагилар қайд этилади:

- йиғилиш ўтказиладиган сана, жойи ва вақти;
- Қўмита йиғилиши кун тартиби масалалари кўриб чиқишида қатнашган Қўмита аъзоларининг рўйхати, шунингдек йиғилишда иштирок қилган бошқа шахсларнинг рўйхати;
- кун тартиби;
- кун тартибининг муҳокама қилинган масалалари бўйича Қўмита аъзолари фикрлари ва таклифлари;
- овозга қўйилган қарорлар баёнлари ва улар бўйича овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Қўмита йиғилиши баённомаси унинг тўғри тузилиши учун жавобгар Қўмита Раиси ва котиби томонидан имзоланади. Баённомага мазкур йиғилишда Қўмита томонидан тасдиқланган (қабул қилинган) ҳужжатлар илова қилинади.

## **VII. Қўмитанинг Банк раҳбарияти ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабати**

Қўмита аъзоларига самарали ишлашни таъминлаш учун керакли ахборотдан фойдаланиш имконияти яратилади.

Ижроия органлари аъзолари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва Банк ходимлари Қўмитанинг талаби бўйича белгиланган муддатларда ва амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ, керакли ҳужжатлар ҳажмини тақдим қилишлари шарт. Ахборот ва ҳужжатлар Қўмита котиби орқали тақдим қилинади.

Зарур ҳолларда, Банк Кенгашининг қарори бўйича Қўмита ишига алоҳида масалаларни кўриб чиқиш учун керакли касбий билимларга эга экспертлар ва мутахассислар жалб этилишлари мумкин.

Қўмита ишига экспертлар ва мутахассисларни жалб этиш тартиби ва шартлари Банк томонидан бундай шахслар билан тузиладиган шартномалар бўйича махфий ахборот сақланиши режимида риоя қилинган ҳолда белгиланади.

## **VIII. Қўмитанинг Банк Кенгашига ҳисобдорлиги**

Қўмита Банк Кенгашига ўз фаолияти тўғрисида йиллик ҳисоботни Банкнинг йиллик ҳисоботида киритиш ёки ҳисоботдан Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига материаллар сифатида фойдаланиш учун керакли муддатда тақдим қилади.

Қўмита Раиси томонидан Банк Кенгашига тақдим қилинадиган Қўмита ҳисоботи Қўмита фаолияти тўғрисида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- Қўмита томонидан ўз ваколатлари масалалари бўйича тақдим қилинган тавсиялар;
- Банкдаги мавжуд ёки потенциал таваккалчиликлар ва уларни бошқариш тизимининг самарадорлиги;
- Банк бўйича таваккалчиликнинг энг юқори жоиз умумий даражаси оширилган ҳолатлар;
- Банк таваккалчиликларининг ўз вақтида аниқланмаганлиги ҳолатлари, улар ҳажмини белгилаш мослиги, таваккалчиликлар бошқарувининг зарур тартиботларини ўз вақтида татбиқ қилиш;
- Банк ичида белгиланган лимитлардан оғиш ҳолатлари;
- ташқи консультантлар ёки экспертлардан олинган малакали хизматлар;
- Қўмита томонидан тасдиқланган иш режасининг бажарилиши.

Қўмита ҳисоботи Қўмита ихтиёрига кўра бошқа муҳим маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Банк Кенгаши Қўмитага алоҳида масалалар бўйича хулоса тақдим қилинишини топшириқ бериш ҳуқуқига эга.

Қўмитага ўз ихтиёрига кўра, Банк Кенгашига ўз фаолияти доирасидаги исталган масала бўйича ўз тавсияларини юбориш ҳуқуқига эга, мазкур Низом билан назарда тутилган ҳолатларда эса Банк Кенгаши учун хулоса тайёрлаши шарт.

Қўмита тавсиялари ижросининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала Банк Кенгаши йиғилишида кўриб чиқилади.

Банк Кенгаши исталган вақтда Қўмита Раисидан Қўмитанинг жорий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни унинг тақдим қилиниши белгиланган муддатларда талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

## **IX. Қўмита аъзоларининг жавобгарлиги**

Қўмита аъзолари Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларига, Банк Устави, Корпоратив кодексига, Банк ва тижорат сирини ўз ичига олган ахборотни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Низомга ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## **X. Яқуний қоидалар**

Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган барча қўшимчалар ва ўзгартишлар Банк Кенгаши томонидан Банк Кенгашининг овоз беришда қатнашган аъзолари умумий сонидан кўпчилик овоз билан тасдиқланади.